



THE THEORY OF ENERGY PRODUCTION CYCLES AND ITS ECOLOGICAL IMPORTANCE IN TERRITORIAL ORGANIZATION OF PRODUCTION FORCES OF SYRDARYA REGION

Zakir Umurzokovich Ummatov
Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Industrial zoning, industrial clustering, green technologies, resource efficient technologies, industrial complex and energy production cycles.

Received: 26.11.23

Accepted: 28.11.23

Published: 30.11.23

Abstract: Sirdarya region has been a geographical component of Mirzachol region for a long time. Preservation of the biosphere in the territory of the region, formation of biodiversity in the biosphere and protection of ecology, as well as preservation of existing natural resources, rational use of them in the life of the social society on the basis of cost-effective technologies will have a positive effect on the life of the population of the entire region from a medical point of view. Application of green technologies in a completely scientifically based manner in the establishment of territorial production enterprises in the region, improvement of the quality of drinking water and neutralization of chemical compounds emitted from the enterprises into the atmosphere are of urgent importance for the scientific and research works carried out in these fields.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КУЧЛАРИНИ ХУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЭНЕРГИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦИКЛЛАР НАЗАРИЯСИ ВА УНИНГ ЭКОЛОГИК АҲАМИЯТИ

Зокир Умурзоқович Умматов
Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Саноатни районлаштириш, саноатнинг группаланиши, яшил технологиялар, ресурс тежамкор технологиялар, саноат комплекси ва энергия ишлаб чиқариш цикллари.	Аннотация: Сирдарё вилояти қадимдан Мирзачўл минтақасининг географик жихатдан таркибий қисмини ташкил этиб келган. Вилоят худудида биосферани сақлаш, биосферада биохилма-хилликни шакллантириш ва экологияни
---	---

мухофаза қилиш, шунингдек мавжуд бўлган табиий ресурсларни сақлаш, улардан ижтимоий жамият ҳаётида тежамкор технологиялар асосида оқилона тарзда фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш бутун минтақа аҳолиси ҳаётига тиббий нуктаи назардан ижобий таъсир кўрсатади. Минтақада ҳудудий ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишда яшил технологияларни тўлиқ илмий асосланган тарзда қўллаш, ичимлик суви сифатини яхшилаш ва корхоналардан атмосферага чиқаётган кимёвий бирикмаларни зарарсизлантириш мазкур соҳаларда олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишлари учун долзарб аҳамият касб этади.

ТЕОРИЯ ЦИКЛОВ ПРОИЗВОДСТВА ЭНЕРГИИ И ЕЕ ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ В ТЕРРИТОРИАЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ ПРОИЗВОДИТЕЛЬНЫХ СИЛ СЫРДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

Закир Умурзокович Умматов

Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Промышленное зонирование, кластеризация, зеленые технологии, ресурсоэффективные технологии, промышленный комплекс и циклы производства энергии.

Аннотация: Сырдарьинская область издавна была географической составляющей Мирзачольского района. Сохранение биосферы на территории региона, формирование биоразнообразия биосферы и защита экологии, а также сохранение существующих природных ресурсов, рациональное их использование в жизни социального общества на основе экономически эффективных технологий. окажет положительное влияние на жизнь населения всего региона с медицинской точки зрения. Применение зеленых технологий на вполне научно обоснованной основе при создании территориально-производственных предприятий региона, улучшение качества питьевой воды и нейтрализация химических соединений, выбрасываемых предприятиями в атмосферу, имеют актуальное значение для научно-исследовательской работы. осуществляется в этих областях.

KIRISH

Саноатни районлаштиришнинг моҳияти – турли катта-кичикликдаги ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини ажратиш ва асослаб беришдан иборат. Ҳозирги замон саноатининг тузилмаси шундай бир етакчи хусусияти билан тасифланадики, бу хусусият ижтимоий меҳнат тақсимотини ривож ва фан-техника тараққиётининг жадаллашуви билан чамбарчас боғлиқ. Бир томондан, янгидан-янги тармоқ ва корхоналар шаклланиб, ажралиб чиқаётган бўлса, иккинчи томондан, тармоқлараро ва тармоқлар ичидаги алоқалар тобора мустақамланиб ва кенгайиб бормоқда.

Худди ана шундай жараён саноатнинг ҳудудий ташкил этилиши учун ҳам типикдир. Бирон-бир тармоқнинг технологик жараён босқичларига кўра ҳудудий бўлиниши турли тармоқлардаги корхоналарнинг муайян ҳудудий комплексларга ажралиши билан биргаликда рўй беради. Бинобарин, саноат ҳам тузилиши жиҳатидан, ҳам ҳудудий жиҳатдан дифференциацияланади, яъни катта-кичик қисмларга бўлинади. Шу билан бирга қарама-қарши ҳодисани - саноатнинг интеграциялашувини, яъни саноат таркибий қисмлари ўзаро алоқадорлигининг кучайишини ҳам кузатиш мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Саноатнинг группаланиши деганда транспорт – географик ўрнига ва инфраструктурадан умумий фойдаланишга кўра ўзаро бирлашган корхоналарнинг мажмуаси тушунилади. Саноат комплекси бу кўрсатилган белгилардан ташқари турли корхоналарнинг дастлабки хом ашёни тадрийжий ва комплекс қайта ишлаш, саноат чиқиндиларидан фойдаланиш билан биргаликда тайёр маҳсулот чиқариш бўйича ўзаро чамбарчас алоқаси билан ҳам тасифланади.

Саноат комплекси – ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг иқтисодий жиҳатдан энг самарали шаклидир. Масалан, саноат комплексини барпо этиш учун худди шундай таркибдаги тарқоқ саноат корхоналарини жойлаштиришга қараганда ўрта ҳисобда 20-30 фоиз кам капитал маблағ сарфланади. Бунда индустриал қурилиш учун ажратилган ҳудуд сатҳининг кичик бўлиши жуда муҳимдир. Бундан ташқари, ушбу ҳолда маҳаллий, табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан, шунингдек бу ресурслар жойлашган ҳудуддан янада тўла ҳамда унумли фойдаланилади. Турли хил ишлаб чиқаришларнинг ўзаро ҳамкорлиги туфайли улар таркибида янгидан-янги технология жараёнлари вужудга келиб, улар корхоналар ўртасидаги ўзаро алоқаларни кучайтиради. Ниҳоят, саноат комплекслари доирасида атроф-муҳитни ишлаб чиқариш чиқиндилари билан ифлосланишдан муҳофаза қилиш янада оқилона амалга оширилади. Агар корхоналар ўзаро боғланмай, ўзича иш олиб борса, уларнинг ҳар бири ўзига алоҳида тозалаш иншоотлари қуриш учун харажат сарф қилишга мажбур бўлади. Саноат комплексида эса, аксинча, чиқиндисиз ишлаб чиқариш

циклини барпо этиб, табиатни муҳофаза қилишдан қўшимча иқтисодий фойда олиш мумкин.

Шундай қилиб саноат комплекси – муайян ҳудуддаги бир-бири билан чамбарчас боғлиқ корхоналарнинг уйғунлашувидан иборатдир; бу комплексида ҳудуднинг иқтисодий ва табиий ресурслари ҳамда транспорт географик ўрни энг катта иқтисодий самара бериши, энг кам харажат сарф қилиб, керакли миқдорда маҳсулот олишини таъминламоғи лозим.

Н.Н.Колосовский «ишлаб чиқаришнинг муайян энергия ва хом ашё турини олиш учун асосий бўлган жараёни атрофида бир-бирини тўлдириб туриши асосида вужудга келган типик барқарор комбинацияга» энергия ишлаб чиқариш цикли деб таъриф берган. Унинг фикрига кўра ҳар бир цикл хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларининг у ёки бу комбинацияси асосида ривожланиб, хом ашёни қазиб олиш ва бойитишдан то шу жойда ишлаб чиқариш мумкин бўлган барча хил тайёр маҳсулот олишгача бўлган ҳамма жараёнларни ўз ичига олади.

Н.Н.Колосовский энергия ишлаб чиқариш цикллариининг қуйидаги типларини ажратган: 1) қора металлларнинг пирометаллургия цикли, 2) рангдор металлларнинг пирометаллургия цикли, 3) нефт-энергокимё цикли, 4) гидроэнергия-саноат цикли, 5) қайта ишлаш индустрияси цикллари мажмуи, 6) ўрмон-энергетика цикли, 7) индустриал-аграр цикллари мажмуи, 8) гидромелиоратив индустриал-аграр цикл.

Н.Н.Колосовскийнинг энергия ишлаб чиқариш цикллари ҳақидаги ғояси вужудга келгандан бери анча вақт ўтди. Бу вақт ичида саноат, айниқса кимёлаштириш натижасида янги технологик жараёнлар билан бойиди. Янги цикллари вужудга келди ва илгари белгиланган цикллари таркиби ўзгаришларга учради.

Бу борада Республикаимизнинг барча вилоятларидан фарқли ўлароқ Сирдарё вилояти саноатининг ҳудудий тузилмаси яхши ривожланмаган. Лекин, Сирдарё вилоятида гидромелиоратив индустриал-аграр энергия ишлаб чиқариш циклини шакллантириш мумкин.

Гидромелиоратив индустриал-аграр цикл – индустриал-аграр циклнинг ўзига хос бир кўринишидан иборат бўлиб, унинг ўзига хослиги Ўрта Осиё ва бошқа обикор районларнинг хусусиятлари билан боғлиқ. Бу цикл қўшимча равишда гидротехника иншоотлари учун қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ҳам қамраб олади. Унинг ўзига хос томонларидан бири – гидроэнергия-саноат цикллари билан ўзаро узвий алоқада эканлигидир.

Таҳлиллар кўрсатдики, республикаимизнинг камдан-кам вилоятларида тўқимачилик корхоналари йўқ, холос. Улар қаторига Сирдарё вилояти ҳам киради. Тўғри, бир вақтлар (60-70 нчи йилларда) етиштирилган пахта хом ашёси бу ерда қайта ишловчи

корхоналарнинг йўқлиги ёки етишмаслиги сабабли четга, асосан Фарғона водийсига олиб бориладди ва бу катта транспорт харажатларини талаб этар эди. Эндиги шароитда эса вилоятда пахта ҳосилининг камайиши туфайли ҳатто мавжуд бу заводларнинг ўзига ҳам хом ашё етишмаяпти. Аммо, мазкур заводларда ишлаб чиқилган пахта толаси ҳозирча батамом четга, хусусан хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда, шу жойнинг ўзида эса ҳеч қанча миқдорда ундан фойдаланилмаяпти. Бинобарин, фикримизча, Сирдарё вилоятида ҳам замонавий тўқимачилик корхонасини қуриш зарурияти туғилди. Бундай корхона мингдан ортиқ меҳнат ресурсларини иш ўринлари билан таъминлаш билан бир қаторда у минтақа саноат салоҳиятини юксалтиришга имкон беради. Бундан ташқари, унинг асосида тикув ва трикотаж фабрикаларини қуриш учун қулай шароит ҳам яратилади.

Кўзда тутилган тўқимачилик корхонаси вилоят маркази – Гулистонда ёки фаолияти тўхташи керак бўлган бирор пахта тозалаш заводи ўрнига барпо этилиши мумкин (масалан, Сардоба ёки Боёвутда). Ана шу ГулТЕКС ёки СирТЕКС қўшма корхонаси ва бошқалар вилоятда гидромелиоратив индустриал-аграр энергия ишлаб чиқариш циклини тўлароқ шакллантиришга олиб келади.

Бундан ташқари Н.Н.Колосовскийнинг энергия ишлаб чиқариш цикллари назариясини, энг аввало, иқтисодий районлар хўжалик тизимини таҳлил этиш, ўрганиш усули сифатида ёндошганда, унинг амалий аҳамияти жуда юқоридир (Солиев, Маллабоев, 1988).

ХУЛОСА

Чиндан ҳам ҳатто бир вилоят доирасида барча хўжалик бирликларининг сони ва жойланишини, бунинг сабабини англаб олиш ниҳоятда қийин машғулот. Энергия ишлаб чиқариш цикллари у ёки бу шаҳарда, туман ёки вилоятда нима учун айнан шу корхона, саноат ва қишлоқ хўжалик тармоқлари ривожланган ва жойлашган деган саволга аниқ жавоб беради. Демак, бу ерда факт-рақам ёдлаб олинмайди, бу муҳим эмас; аксинча, ҳодиса ёки воқеаликнинг сабаби, уларнинг ривожланиш ва ҳудудий ташкил этишидаги қонуниятлар ўрганилади ва асослаб берилади.

Мазкур ғоянинг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, у ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигига, чиқиндисизлигига таянади. Бу эса атроф-муҳитнинг тозалигини сақлаш, экологик муаммоларнинг олдини олиш ва хом ашё ресурсларидан тўғри ва самарали фойдаланишга олиб келади.

Adabiyotlar:

1. Komilova, N. K., Hudayberganova, R. T., Murtazaev, I. B., Nazarova, H. O. A., & Madaminov, Z. H. (2019). Economic and geographic problems of improvement of industrial sectors and local structure of Uzbekistan. *Journal of Advanced Research in Law and Economics*, 10(6 (44)), 1916-1928.

2. Privalovskaya, G. A. (1979). GENERAL TENDENCIES OF DEVELOPMENT OF TERRITORIAL—PRODUCTION COMPLEXES. Soviet Geography, 20(2), 82-96.

3. Rumer, B. Z. (2023). Soviet Central Asia: 'a tragic experiment' (Vol. 15). Taylor & Francis.

4. Kraak, E. (2012). Diverging discourses on the Syr Darya. Geography, Environment, Sustainability, 5(2), 36-50.